


Туркистон ОНГИ



Іштимоий-сиёсий, илмий, адабий-публицистик газета

МЎҒИЛИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚИРғИЗИСТОН ПАРЛАМЕНТИДА СЎЗЛАГАН АЛОМАТ НУТҚИ



Хурматли дўстлар!

Мўғилистон халқи 1990 - "оқ от" йилида ўзи танлаган тарихий йўл билан фаҳрланади. 1989 йил охирида Мўғилистонда бошланган демократик харакатлар ўзининг бош мақсадига тинч йўл билан етди, биронта ойна сингани йўқ.

Халқа озод яшаш ва мустақил ривожлашиш имкони берилди.

Мўғиллар шу билан фарқлашади, улар Евразиянинг қоқ марказида туриб, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни бир вақтнинг ўзида муввафқиятли амалга ошириди.

Биз Осиё мамлакатларида бу хил ислоҳотларни бир вақтнинг ўзида ўтказиб бўлмаслиги ҳақидаги афсонани йўққа чиқардик.

Биз ҳар бир халқ ва ҳар бир инсон, сайёрамизнинг қай мамлакатида ва қай ерида яшамасин, ўзининг постулатларидан келиб чиқиб, озод яшаш имконига эга эканлигини тасдиқладик.

Бугунги кунда Мўғилистон "Демократик мамлакатларнинг дунёвий ҳамжамияти"ни бошқармоқда.

Бизга, ўз озодлигимизга эришиш билан бирга, бошқаларнинг ўз озодлигига эришивуга таъсир ўтказиш ва мустахкамлашга ёрдам бериш мажбурияти юкландган.

Биз дунё ҳамжамиятининг бундай юксак ишончини оқлаш учун ташаббус кўрсатиб ишлашга интилмоқдамиз.

Ҳозирги пайтда Мўғилистон иқтисодий

ўсиш кўрсаткичлари бўйича биринчилар қаторига ўтиб олди. Ўтган йили бизнинг иқтисодимиз 17,5 фоизга ўсиб дунёда иқтисодий кўрсатгичлар бўйича лидерлик қилаётган Катар мамлакатиданда ўзиб кетди.

Аммо бу ерда таъкидлаб ўтиш керакки, мамлакатимиздаги сиёсий ва иқтисодий ўсиш, бизни ғуурлантаришдан кўра хушёррок бўлишга унダメқда.

Кейинги йилларда: "Биз бундай демократияни истамаганмиз, бу ҳол жамиятнинг

кўпчилик аъзолари учун эмас, озчилик учун фойдали бўлди", деган танқид ва норозиликлар ўсиб бормоқда.

Мен ҳам, гарчи иқтисодимиз ўсаётган бўлсада, бу ўсиш оддий одамларнинг эшигидан ичкари кирмаётганини, кўпчилик фуқаролар ҳаётида акс этмаётганини танқид қиласман.

Демократия туфайли сиёсий ва иқтисодий хукуқлар Мўғилистонга, фуқароларимиз ҳаётига қайтиб келаётган бўлсада, бу хукуқлар Улан-Баторда, Давлат саройларидағина амал қилмоқда.

Бу хукуқлар марказий давлат органларидан олинниб, фуқароларга, халқа берилиши ҳаммадан муҳимдир.

Буни тўхтатмасак, аҳволни ўзгартирмасак, унда мўғил давлати хукуматга, ахборотга ва пулга яқинларгагина хизмат қиладиган вақт яқинлашиб, мўғил халқининг тарихий танлови хавф остида қолади.

Бугунги кунда демократик инқилобларнинг моҳияти ҳам ўзгарди. Биз, ҳаммамиз. ҳокимиятнинг бир гуруҳ қўлидан иккинчиси ўтиши ҳали инқилоб эмаслигини англаб етishимиз керак.

Хукуқлар фуқаролар орасида қанчалик ҳаққоний бўлинганлиги ёки бўлинмаганлиги инқилобнинг мезони бўлиб колди. Бу инқилобнинг моҳияти фуқароларнинг кундалик, реал ҳаётида, уларнинг ечимида ва танловида акс этиши лозим.



Эркин
Воҳидов

Сен давлатсан, азиз Ватандош!

Дўстим, сен ўзни кўп хокисор тутма,
Ожиз бандаман деб эгиб юрма бош.
Юртнинг эгаси сен, зинҳор унумта!
Сен ўзинг давлатсан, азиз Ватандош!

Мустақил, мўътабар мамлакат сенсан.
Мамлакатда олий машварат сенсан.
Халқсан, хукуматсан, салтанат сенсан.
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош!

Панада турмокнинг фурсати эмас,
Бу тупроқ факирлар турбати эмас,
Соҳиб бўл, давлатнинг – мурвати эмас,
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош!

Файратсиз зотларга замонлар ёмон,
Жасорат йўқ ерда ёмонлар омон.
Давлат не – мардана бўлмасанг қалқон.
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош!

Диёнатли ўтган наслу-насабинг,
Ноҳақликка бардош бермас асабинг.
Керагида бўлсин қаҳринг, ғазабинг,
Сен ўзинг давлатсан, азиз ватандош!

Юрт фарзанди асли ўзи юрт бўлур,
Кўзи чақнок бўлур, қалби ўт бўлур,
Қаторда нори бор Ватан бут бўлур,
Сен ўзинг давлатсан, азиз Ватандош!

Мен деб кўкрак кериб юргувчи ўзинг,
Юртга соқчи бўлиб тургувчи ўзинг,
Буюк келажакни қургувчи ўзинг,
Сен ўзинг давлатсан азиз ватандош!

Бошқаси бекордир, азиз ватандош!



(Давоми. Боши 1-сахифада)

Инқилоб хуқуқларнинг берилиш дара-жаси билан ўлчанишини тушуниб етмоқ керак. Агар ҳокимиятга келгандар, давлат ва халқ ҳисобидан яшаб, кам сонли одамларнинг манфаатини кўзласа, кўпчилик изтироб чекса, камбағаллашса, инқилоб ва демократия ҳақида гапиришнинг маъноси қолмайди. Бундан кўра ўзгаришлар ҳақидаги чакирикларга қулоқ осган маъқул.

Мўғил ҳалқининг эрк туйғуси нозикдир. “Бирорнинг ионон-ихтиёри билан шодон бўлгандан кўра, ўз эркинг йўлида изтироб чекканинг афзал”, дейилади халқ мақолида. Ҳеч ким эрк ва озодлик йўли осон ва енгил демайди. Биз онгли равишда мураккаб, долғали йўлни танладик.

Коррупция ва бюрократизм очиқ жамиятнинг душманидир.

Бугунги дунёда халқнинг озодлиги ташқи кучлар томонидан эмас, ички кучлар томонидан олиб қўйилиш ҳодисалар кўп юз бермоқда.

Давлат ташқаридан туриб босиб олияётгани йўқ, аксинча тартибсизликларни чакирган ҳолда, ичкаридан чиримоқда.

Ҳатто энг демократик мамлакатларда ҳам ҳукумат ўз фуқароларининг норозилик ва ишончсизлигини уйғотиб, кураш ва ҳаракатлар манбаига айланмоқда.

Бугунги демократияга янги моделлар ва тартиблар, демократиянинг ўзига эса янгила-ниш лозимлиги аён бўлиб бермоқда. Одамлар камбағал давлатларда ҳам, бой мамлакатларда ҳам ҳукумат тамонидан бўлаётган ноҳақликка бўйсунишаётгани йўқ.

Ахборот етиб боришининг кенгайганлиги ва шу муносат билан одамларда қандай яшашни ўzlари танлаш истагининг ҳам ўсиши давлат ва ҳукуматнинг “оқилона” қарорлар чиқаришига сабаб бўлмоқда.

Государству ничего не остается как обслуживать желания и интересы своих граждан и применять законы одинаково для всех.

Хукуматда ўз фуқаролари хохиши ва қизиқишишларига хизмат қилиш ва барча учун маъқул қонунларни амал қилишини таъминлашдан бошқа йўл қолмайди.

Мўғилларда: “давлатнинг бети темирдан” деган гап бор. Менимча, бу ерда ҳозирги дав-

лат бошлиқларига, давлат сиёсати ва ижросига етишимайдиган бир сифат ифодаланмоқда. Яъни, “давлат юзи” ҳокимияти ва пули бор одамларга кулиб, бошқаларга хўмрайиб карамаслиги лозим.

Бундай хислат қадим боболаримиз томонидан жорий қилинган.

Давлат хизматини бажариш, менинг тушнишимча, бу оғир муаммоларни топиб уларнинг ҳал бўлишига ёрдам қилишдир. Давлат хизматчиси, менинг тушунишимча, халқни севадиган, “менинг баҳтимни олинглар, мен сизларнинг дардингизни олай”, таомили асосида яшайдиган одамдир. Мен барча поғонадаги давлат хизматчиларидан шуни талаб қиласман.

Мен халқларқа хизмат қилган йилларимда бир нарсани яхши тушундим. Бу “ҳокимиятдамисан, демак адолатли бўл”, таомилидир. Ҳаққонийлик изрони талаб қиласми. Хўжайнин бўлганингда адолатли бўл. Ўзинг учун эмас, бошқалар учун ишла! Бирорвларни талама.

Бошқалар учун оловга кираол. Баҳтни орқасидан чопма. Фамни изидан бор. Агар бундай қилаолмасанг, давлат хизматидан кет.

Шуни билки, ҳар бир кишида очиқ жамиятда давлат хизматида бўлмай туриб ҳам, яхши яшашга имконият бор. Буларни мен ўзимча англаб етмадим, озодликни англаган, кўрган одамлардан ўргандим. Озодлик менимча, ўз камчилilarини яширмайдиган тизимдир. Озодлик – сўнги йўқ жараёндир.

Шунинг учун ҳам озодлик, қанча қийин бўлмасин, яхшилик томонга йўналади. Бир сўз билан айтганда, мен озодликнинг кучига ишонаман.

Фақат озод инсоннинг изходий изланиш камраб олади. Изходкор инсон эса масъулиятидир.

Масъул одам эса ўзининг хуқуқлари ва бурчларини билади.

Бундай одам бошқаларга зарар келтирувчи ишларни қилмайди. Аксинча, тартибга, тинчликсеварликка, хотиржамлик ва келишувчанликка интилади.

Шу йўсинда озодлик, ривожланиш, тараққиёт ва тинчлик ўзаро боғланиб кетади.

Шунинг учун ҳам мен ҳукуматга кам ҳуқуқ, кам эркинлик, фуқароларга эса кўп

эркинлик ва кўп ҳуқуқ берилишини қўллаб қувватлайман.

Бугунги кунда Мўғилистонда давлатга қарашли жамоат ташкилотлари йўқ.

Шунингдек, давлатга тегишли оммавий ахборот воситалари ҳам йўқ.

Мўғилистонда у ёки бу ишларда давлатдан кўра фуқароларнинг иштироқи ошиб бормоқда, шунингдек танқидий қараш кучаймоқда.

Бу яхши тамойил деб ўйлайман. Мамлакатимизда партияларни, давлат ва бошлиқларни мақташ ва реклама қилишдан кўра фойдали қазилмалар масаласида танқидий қарашларни қўпроқ эшитиш мумкин.

Коррупция ва бюрократизимни танқид қиливчилар, у ёки бу партияни қўлловчилар сонидан ортиб бормоқда.

Мен ўз мамлакатимнинг келажагига ишонаман.

Бу ишонч Мўғилистоннинг тақдири ва келажагини аниқлаш йўлида ишлаётган фуқаролар иштироқи ва қобилиятининг ошиб бораётганидан келиб чиқсан.

Бутунлай янги дунёқарашга, шунингдек. янги ғоялар ва қарорларга эга янги авлод ўсиб келмоқда. Уларнинг замони келади.

Гарчи Мўғилистонда танқид қилиш керак бўлған нарсалар кўп, озодлик туфайли яхши хабарлар ҳам келиб турибди. Фақат озод инсонларгина мўъжизалар яратади. Фақат озод инсонлардангина яхши хабарлар келади.

Охир оқибат тараққиёт ҳукумат ва давлат томонидан амалга оширилмайдиган замонлар келмоқда.

Ривожланиш ва тараққиёт сиёсатчилардан эмас, сиёсатдан ажралган одамлар туфайли бўлатгани айни ҳақиқат бўлиб бормоқда.

Ривожланиш ва тараққиёт сиёсатчилар фаолияти туфайли эмас, озод тадбиркорлар, озод инсонлар фаолияти туфайли юз бераётгани янада аён бўлмоқда.

Озолик учун кураш тўхтамайди. Бу. нимаси биландир, бир омони ёруғ, бир томони қонронгулиқда қоладиган сайёрамизга ўхшайди.

Мўғилларнинг айрим империялари қачонлардир дунё тарихида буюк деворлар қуриш режасини илгари сурганлар. Эндиликда, биз мамлакатимиз ичидаги озодликка қарши деворларни йикиш, бу йўлда бошқаларга ҳам ёрдам бериш ҳаракатида ишламоқдамиз.

Кичик миллатлар ва кичик одамлар бўлмайди. Аммо озод бўлмаган миллатлар ва инсонлар яшаб келмоқда. Ҳар бир инсонда озод яшашга интилиш имкони борлигига ишонаман.

Инсоннинг озод яшашга бўлган интилишини чегаралайвериши мумкин эмас. Шу баҳонада келинглар, сайёрамизда ҳар бир киши озод бўладиган кунини бир соатга бўлсада яқинлаштириш йўлида биргаликда ишлайлик...

Мўғилистон президенти сўзининг охирини: “Қыргыз – Монголдун достугу кутту болсун”, деган сўзлар билан тутатди.

06.04.2012,

<http://kg.akipress.org/news:500751/>

Адина Жусип

Бугунги қозоқ ерида күплаб Қозоқ ерида күплаб тараққий этган халқлар яшаб үтган. Биз, ўз пайтида буок империя қуриб, оламни титратган туркій халқларнинг авлодларимиз. Бугунги кунда Турк хоқонлиги, Олтін Үрда, Усмон империяси каби қучли давлатлар қурған туркійлар барча соҳаларда илор бўлган давлатларнинг эътиборини ўзига қаратмоқда. Шунга боғиқ равишда жаҳон шарқшуносликнинг бир тармоги «туркология» фани пайдо бўлди. Ҳозир оламнинг чексиз кенгликларида ҳар хил шевада сўзлашадиган, ҳар хил динларга кирган, бироқ аслида туркійлар деб аталувчи, улуг халқдан кўпайган бальзи миллатлар бор. Инсоният ривожига чексиз ҳисса қўшган туркійлар маданиятини қайта тиклаб, текшириб юрган тадқиқотчиларга кўмак қўрсатиш мақсадида Алмати шаҳрида туркій халқларнинг маданий жамғармаси ташкил қилинди. Қурилганига 13 йил бўлган жамғарманинг бажарган ишлари, келажакдаги режсалари тўғрисида жамғарма бошлиги Ахмет ДАҒДУРАН билан сұхбатлашдик. Сұхбатимиз қўйидагича бўлди.

- Сұхбатимизни Туркій халқлар маданий жамғармаси қурилишидан асосий мақсад нима эди, деган саволдан бошласак!

- Туркій халқлар маданий жамғармасини қуришдаги илк мақсадимиз – қозоқ халқининг тарихи ва маданиятини, адабиётини, урф-одатини, санъатини, миллій кийим намуналарини бошқа туркій халқларга яқиндан таништиришдир. Шу йўл орқали туркій халқларни яқинлаштириш. Бу ишилизни энг биринчи кўп миллатли Қозогистон худудидаамалга ошириб келмоқдамиз. Турли этносли гурухларни бир ерга тўплаймиз. Мақсадимиз йўлида кўплаб санъат фестиваллари ўтказдик. Жаҳоннинг талай ерларида бўлдик. Масалан, Туркия, Татарстан, Руминия, Кипр ва шу каби кўплаб мамлакатларда қозоқнинг бой маданияти ва санъатини, урф-одатларини намуна сифатида кўрсатдик.

Қозогистон билан Турк давлати бирлашса, барча туркій давлатлар шу икки давлатга келиб қўшилади. Юртошишимиз Н. А. Назарбаевга катта раҳмат. Бундан 10 йил бурун туркій халқлар бирлиги йўлида қатор ишларни амалга ошириди. Ҳозир юртимизнинг янги бош шахри Астанада Қозогистон Республикасининг Президенти Н.Назарбаев ва Туркия Президенти А.Гулнинг биргалишиб ташкил этган илмий маркази – Туркій халқлар академияси ишлаб туриди. Бу академияни ташкил этишдан мақсад – қадим даврлардан бугунги кунларгача туркій оламнинг тарихини, тили ва адабиётини, маданиятини, тарихий шахсларини, туркій давлатларнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини ёрқин тарихий материаллар асосида текшириб, авлоддан-авлодга етказиш. Туркій академия ташкил этилиши билан кўплаб халқаро илмий проекtlарни амалга оширидик. Худо хоҳласа, бу ишларни давом эттираверамиз.

Туркій халқларнинг асосий тарихий маркази қозоқ ери бўлган. Сак, Хун қабилалари шу ерда қабилавий марказларини курганлар. Ўша саклар хаёт кечирган даврлардан бизга етган тарихий мерос олтин кийимли сак жангисининг дағн қилинган ери хам Қозогистоннинг Эшик (Есик) қалъасига яқин ердаги Пазириқ кўргонидан, тамғаланган тош хам Қаскелен еридан топилган. Бундан 40-50 йил олдин туркійлар



ҚОЗОҚ ЭЛИМ – ОТА ЙОРТИМ

Инсоният ривожига чексиз ҳисса қўшган туркійлар маданиятини қайта тиклаб, текшириб юрган тадқиқотчиларга кўмак қўрсатиш мақсадида Алмати шаҳрида туркій халқларнинг маданий жамғармаси ташкил қилинди.

тўғрисида ёзилган тарих хабарлари туғри битилмаган. Бегона миллат вакилларининг ёзган тарихи ўша миллатнинг манфаатини биринчи ўринга қўйиб, бизнинг тарихимизни ўгартириб юборади.

- **Туркій академияни қуришдаги илк мақсад хам шундай камчиликларнинг ўрнини тўлдиришку.**

- Ха, худи шундай.

- **Сиз қозоқ тилида эркин гапирасиз. Қозоқ тилини қандай ўргандингиз?**

- Қозоқ тили хақиқий «оргинал» тил. Орхон-Енесей ёзувлари қозоқ тилига жуда ўхшайди. Бизнинг туркча деган тилимиз – у қозоқ тили. Қозоқ тилини ўрганиш учун маҳсус дарс олган эмасман. Дўстларим билан мулокотда бўлиб юриб ўрганиб кетдим.

- **Туркій халқлар маданий жамғармаси қандай молиялаштирилади?**

- Бизнинг «Туркій олам» деган хар ойда чиқадиган халқаро газетамиз бор. Шу газетамизга ўзлонлар оламиз, ийллик обунани ташкил килиб, газетани сотиш орқали пул топпамиз. Қисқача айтганда, ўзимизни ўзимиз таъминлаймиз.

- **Шу пуллардан инвестиция учун хам фойдаланасизларку.**

- Ҳа, жамғармамизнинг молиявий ёрдами билан турли китоблар дунёга келди. Халқаро даражадаги турли конференциялар ва симпозиумлар ўтказиб, туркій халқларнинг бир-бири билан фикр алмасиб, маънавий бойишларига сабабчи бўлдик. Гриф Хайруллиннинг “Татар халқининг урф одатлари ва анъаналари” («Обычаи и традиции татарского народа») деган китобига, Ахмет Тоқтабайнинг «Түркі халқтарының мәдениеті», Туркій халқлар маданий жамғармасининг тўплами «Туркій халқларнинг бугунги кундаги муҳим масалалари», «Қўрқит ота» деган китоблар чиқди. Яна бошқа ёзувчиларнинг туркійлар тарихига оид ижодий ишлари бўлса, нашр этишга кўмаклашамиз. Биз чиқарган китоблар Қозогистоннинг

кўплаб кутубхоналарида, университетларнинг кутубхоналарида хам бор.

- **Жамғарма ўз ичидаги яна бир неча бўлимлар бор экан, уларнинг бажарадиган вазифалари қандай?**

- Жамғарма ичидаги «Зиелилар қўмитаси», «Аёллар қўмитаси», «Ёшлар қўмитаси», «Санъат қўмитаси» ишлаб туриди. «Аёллар қўмитаси» туркій дунёдаги аёлларнинг ўзаро бирлаштириш вазифасини бажаради. Ер юзида зиёли аёллар кўп. Ўшалар билан алока ўрнатдик. Худо хоҳласа, келаси йили Туркістон шаҳрида аёллар қурултойини ўтказамиз, деб режа тузиб қўйдик. Истанбул шаҳрининг ҳокими Қодир Тўбопш жанобларининг таклифи билан зиёли аёллар қўмитаси аъзолари ҳокимнинг қабулида бўлиб, ишлари ҳақида фикр алмашадилар. «Ёшлар қўмитасининг» ташкилотчилиги билан хам талай тадбирлар бажариб келинмоқда. «Қизлар синови», «Ёш шоирлар мушоираси» каби ижодкор ёшларнинг санъати мухокама килиб келинмоқда.

Покистон, Япон мамлакатида Фаластин ерида бўлган зилзиладан жабр қўрган халқларга хам кўлдан келганча ёрдам кўрсатдик.

- **Жамғарма Қозогистондагина ишоритадими? Ёки бошқа давлатларда хам бўлимларнинг борми?**

- Ҳозир Туркия, Озарбайжон, Кирғизстон, Татарстанда бизнинг жамғармамиз иш юритиб келаяпди. Энди шундай жамғармани бошқа мамлакатларда хам курсак деган фикрдамиз. Қозогистон марказ бўлиб, хар тарафга томир ейиб, барча туркій халқларни бирлаштирешиб деган фикрдамиз.

- **Барча туркій халқларни бирлаштириш учун умумий мақсаддан бўлак умумий тил хам керак эмасми?**

- Ҳозир туркій оламда кўплаб имлолар бор. Араб, лотин имлоларини ишлатадиган халқларимиз хам етарли. Туркій халқлар хар хил имлолардан фойдаланиб, ёзиш-чишиш билан юраверса, ҳеч қачон бирика

олмайдилар. Биз факат бир имло орқали, бир мақсад атрофида бирлашамиз, бир-бirimizни тушина оламиз. Ҳар хил туркій халқларда ўттиз атрофида имло бор экан. Умумий тилдан хам умумий имлонинг бўлгани яхши. Мисол учун «йўқ» деган сузни турклар хам, қозоқлар хам, узбеклар хам тушинаиди. Агар ёзсанг, уни тушина олмайсан. Шу сабабли гапирсанг хам, ёзсанг хам тушинали имло керак. Ҳозир Ўзбекистон, Туркманистон, Озарбайжон каби кўплаб давлатлар лотин имлосига кўчди. Қозогистоннинг хам бурунги имлоси лотинча бўлган.

- **Сизга тинчлик бермайдиган фикрлар бўладими?**

- Туркій оламдаги халқларнинг сони 300 миллионча бор. Шу 300 миллион халқ бирлашса, оламда катта империя бўламиз. Биз илгари туркій халқларнинг мамлакати Туркистон деб айтдик. Ўзбек, қозоқ, қирғиз деб бўлинган йўқмиз. Бу халқларни Туркистоннинг халқи дедик. Туркистон деган сўз туркійларнинг Ватани деган сўз. Факат бизгина эмас, бегона халқлар хам «Туркистон» деган. Ҳозир Туркистон деб бир қалъанинг номигина аталади. Қозоқнинг улуғ шоири Мағжан Жумабойнинг «Туркистон» деган шеъри бор.

Туркистон - икки дунё эшиги бу!

Туркистон - ҳар бир туркнинг бешиги бу!

Туркистон - тангри берган мукаддас жой!

Туркистон - ҳар бир туркка сочар ёғду!

Каби мисраларда барча туркій халқларнинг Ватани Туркистон деб туриди.

Ҳозирги айри-айри бўлиб ўзлигича мустақиллигини эълон килиб ҳаёт кечираётган туркій давлатлар, келажакда НАТО каби оламдаги улкан ташкилотлардай халқнинг тинчлиги йўлида иш бажарса, унда ер юзида тинчлик барқарорлашиб, жаҳонда тинчлик ўрнатилар эди.

Туркій халқлар жуда бой ерларни эгаллаб туриди. Ер усти хам, ости хам фойдали қазилма бойли-

Давоми 4-саҳифада

Давоми. Боши 3-саҳифада

кларга тўла. Нефть, газ, олтин, кумиши, уран, нимаки керак бўлса, бари бизнинг ердан топилади. Бепоён далимиз, Ватанимиз бор. Бизга эндиги етмаётган нарса, факат бирлашишдир. Агар туркийлар бирлашса, бу факат биз учунгина фойдали эмас, дунё халқлари учун хам фойдали бўлиши аник. Туркий халқларниң бирлашиши орқалигина дунёда тинчлик хукмрон бўлади.

Ўз вақтидаги сиёсатнинг оқибатида ҳар миллат алоҳида-алоҳида бўлинниб кетди. Туркий эмасмиз деган сўзни айтқизди. Бизнинг қозок бўлганимизга 500 йил бўлган бўлса, туркий бўлганимизга 2800 йил бўлган.

Ўз пайтида, европаликлар хожатхонанинг, ҳаммомнинг нима эканлигини билмайдиган даврларда, бизнинг сак ота-боболаримиз ҳаммомлар қурган. Ҳозирги дунёдаги ҳаммомларниң бари саклар қурган ҳаммомларниң нусхаларидир. Отабобларимиз завод-фабрикалар солған. Ўша фабрикаларда олтиндан ип йигириб, ипдан мато тўқиб, шу хил кийим тикиб кийган.

Биз европаликларни ўша пайтлардагина эмас, ҳозирги пайтда ҳам ҳайратлантириб келмоқдамиз. Ҳозир бизнинг миллий музика асбларимиз дўмбира билан кўбиз овозларини эшишиб ҳайрон қолишади. Биз ўзга халқларга ҳеч ўхшамаган халқмиз.

- Ҳа, 130 миллат вакиллари бирлашиб, ширингина яшаётган юртмиз.

- Ҳа, қозок халқи ўз ерида яшаб келаётган узга миллат вакилларига нега сизлар қозоқча гапирмайсизлар, нега сизлар мачитга бормайсизлар деб ҳеч қаҷон айтган эмас. Мустақилликни олган дастлабки йилларда кўп миллатлар ўз ерларига кўчиб кетишиди. Қанақасига кетишиган бўлса, шунақасига тез қайтиб келишиди. Нега? Сабаби – уларни у тарафда ҳеч ким қучок очиб кутиб олмади. Қозоқдай меҳмондўст, бағри кенг халқни топа олмаган улар, бегона ерларда ҳаёт кечира олмай кўчиб келди. Қозоқ халқи бағри кенг, меҳмондўст, улар ўзга миллатнинг озгина қисмига меҳмон сифатида қарайди. Қозогистоннинг ичидағи шу одатни барча туркий халқларни бирлаштириб, Туркистон давлатини куриб, шу давлатда ҳам давом эттиришимиз керак.

«Турксой» деган умумий жамиятимиз ер юзидағи барча мамлакатларда иш юритади. Америка каби катта давлатда қозоқнинг наврўз баррамини тарғиб қиласди, таниширади. Бундан тўрт-беш минг йил илгари ота-бобларимиз наврўз байрамини Улуснинг улуғ куни деп атаган. «Улус» деб факат бир халқни айтмаган, барча туркий халқларни айтган. Наврўз дегани янги кунимиз, янги йилимиз деган суз.

Ҳозир қайси туркий мамлакатга борсангиз ҳам самолётни «учок» дейди. Бурун турклар учоқни «тайера» деган, қозоқлар «самолёт» деган. Тилимизда арабча, форсча сўзлар

кўп. Биз шу каби бегона сўзлардан тилимизни тозалаб, археик сўзларни янгилашимиз керак. Ота-боболар тилида сўзлашишимиз керак. Туркияда форснинг сўзи «ташаккур» ишлатилади, Қозогистонда арабнинг сўзи «рахмет» деб айтилади. Аслида, барча туркий миллатлар учун умумий бўлган «олкиш айтаман» деган сўзни қайта муомалага киргизиш керак. Ота-бобо сўзи турганда нега биз арабча, форсча сўзлашишимиз керак?

- Сизнинг фикрингизча, бизга миллатчилик етишмайдиганга ўхшайдими?

- Биз, яхши маънода миллатчи бўлишимиз керак. Иккинчидан, исломни яхши ўзлаштиришимиз керак. Бегона одамлар ёзган диний китоблардан узоқ юриб, динни, Куръони Каримдан ўрганишимиз керак. Маънавий тарафдан Аҳмад Яссавий отамизнинг йўли билан юришимиз керак. У киши ўзи турк эди, туркча яхши гапиради, ислом динини яхши ўзлаштириб, ибодат килган.

- Барча туркий халқларниң ватани Қозогистон дедингиз. Бунга бошка туркий халқлар қандай қарайди?

- Барча туркий олам Қозогистонни «Ота юрт» дейди. Ўзлари яшаб, хаёт кечираётган ерларини «Она ватан» деб атайди. Бейбарс сulton вақтида ҳозирги қозок еридан чиқсан, у Мисрда мамлюклар давлатини қурган, бироқ у Мисрни Ватаним деган эмас, она юртим деган. Туркистон еридан чиқсан Бобир сulton Хиндистонда салтанат қурди. У ҳам Хиндистонни Ватаним дегани йўқ, она юртим деди. Америкада кизил танлилар бор деймиз. Улар ҳам ўз вақтида бизнинг найман тойифасидан бўлиниб чиқсан халқларидир. Туркийларниң ер юзининг барча ерларида асоси бор. Хамма ерда халқмиз бор.

- Шунда, турк, қозок, ўзбек деганлар кимлар?

- Сиз Францияга бориб, бир француздан қаернинг французисиз деб сўрай олмайсиз. Сабаби, биргина Франция мамлакати бор. Америкага бориб эса, қаернинг туркисиз деб сўрай оласиз. Францияга бориб ҳам сўрай оласиз. Германияга бориб ҳам сўрай оласиз. Улар сизга мен Қозогистоннинг туркиман, еки Франциянинг туркиман деб жавоб беради.

Қозоқлар, турклар, ўзбеклар ва яна бошка миллатлар туркий халқларниң бир бўлаги. Туркий тиллар – жаҳон тиллари инглиз, хитой, хинд, роман-герман, славян, араб, Индонезия тиллари гурухларидан кейинги саккизинчи ўринда турган улкан тилдир.

- Аҳмадбей, очиқ фикрингиз учун сизга олқишилар бўлсин. Ишларингизга муваффақиятлар тилаймиз.

Суҳбат Қозогистонда чиқадиган “Достық” журналининг 2012 йил 1-сонидан олиб таржима қилинди.
Таржимон: Б.Норбоев.

КУЧ-ҚУВВАТ ВА МУВАФФАҚИЯТ ТИЛАЙМИЗ

Қозогистонда 137 дан зиёд миллат ва элат вакиллари тинч-тотув ҳамда фаровонлиқда умр кечирмоқда. Бу тотувлик ва ҳамжиҳатлик давлатимиз олиб бораётган оқилона ва одилона шунингдек байналмилал сиёсатнинг оқибати албатта! Қозогистонда барча миллат вакилларининг урф-одати, тили, маданияти, адабиёти ва санъати ҳурмат қилинаётганидай, ўзбек халқининг ҳам маънавий бойликлари асрар авайланмокда. Юртимизда қозок, рус, ўзбек тилларида миллионлаган ададда газета ва журналлар чоп этилмоқда! Халқларимиз ўргасидаги дўстликнинг янада мустаҳкамланишида ҳукуматимизнинг байналмилал сиёсати, шу жумладан, кўплаб тилларда чоп этилаётган газета ва журналларнинг ҳам хиссаси бекиёс. Бугунги кунда Жанубий Қозогистонда ўзбек тилида ўнга яқин газета ва журналлар чоп этилаётганини қувонч билан қайд этмоқ лозим. Улар қаторига, асосан дўстлик ва ҳамжиҳатликни, турли этнослар ўргасидаги биродарликни тарғиб қилгувчи “Туркистон тонги” газетасининг ҳам қўшилаётгани нур устига нурдир! Тахририят аъзоларига куч қувват, хайрли ишларида муваффақиятлар тилаймиз!

Жанубий Қозогистон вилояти ўзбек маданият маркази раиси, Икромжон ҲОШИМЖОНОВ.

ИШОНАМИЗ

Ўзбекистонда бир ярим миллионга яқин қозоқлар, Қозогистонда эса, ярим миллионга яқин ўзбек биродарларимиз кўп асрлардан бери истиқомат қилишади. Бизнинг тилимиз яқин, динимиз бир! Қозок ва ўзбек халқи асрлардан бери иттифоқлиқда ва дўстликда яшаб келади. Ўзбек биродарларимиз қозок халқининг урф-одатларини, тилини ҳурмат қилиши мустақиллик йилларида янада яққол билинди. Ўзбек ёшлари тилимизни борган сари пухта эгаллашга ҳаракат қилишяпти. Республика миздаги, қолаверса. Жанубий Қозогистондаги Олий ўкув юртларида, мактабларда минглаб ўзбек йигит-қизларининг ўз тиллари билан бир қаторда қозок тилида ҳам билим олаётгани бунинг ёрқин далилидир. Бу анъанани янада ривожлантириш ва юксалтириш керак. Бир-биримизнинг тилимизни, урф одатларимизни ҳурмат қилган ҳолда, иттифоқлиқда ва дўстликда яшашга нима етсин! “Туркистон тонги” газетаси бу анъаналарга содик қолишига ишонамиз!

Қозок маданият.

Одам ғамни кўтараолмай қолса ўзини, мол дунёни кўтарлмай қолса, атрофдагиларни касал қиласди.

Номуносиб амалдор амал дархтига мушукдай ёпишиб туради, муносиби шу дарахтнинг ўзидан ўсиб чиқади – шох бўлиб.

Бахтсиз эканлигимни ўзим, нима учунлигини Худо билади, – деган экан, бир шўрлик.

Чинакам бахтсизлик ўз– ўзидан нафратланишдир.

Умри отда ўтаётганни яёв кўйсанг ўзини чумолидай ҳисқиласди.

Миллатчилик миллатнинг бошини айлантириб қўяди, фалокат юз бериши учун бошнинг сал кам бир айланиши кифоя.

Инсофлиман, деганга шароит яратиб берингчи, сўзида турармикан?

Бир халқ бошка бир халқ билан аралашиб кетгиси келса унга уруш очади.

Сарой шоиридан гадо яхши, очиқча тиланади.

Комилжон Солибеков.

Назир Тұрақулович Тұрақулов - 1892 йили Күкөн шахрининг “Бойбұта Күпrik” махалласыда дүнёга келди. Бу 140 йил хукм сурган Күкөн хонлиги зұрғавонлик йөюли билан тугатилиб, Туркистан генерал-губернаторлығына күшиб юборилған, мұстамлакачылық даври бошланған йиллар эди. Агар шу вактта қадар Күкөн 2000та савдо дүкони, 300та масжиди, ҳар бирида 10-20 нафар бола ўқиган 120 та мактаби ва 40та мәдрасаси билан ном чиқарған бўлса, энди улар ёнига завод ва фабрикалар қўшила бошлади. XIX-асрнинг 80-йиллари бошларида Кўконда битта ёғ, иккита пахта тозалаш заводи ишга туширилди. Пахта стратегик маҳсулот бўлғани сабабли Россия империясига сув ва ҳаводек зарур эди. Шу боис мұстамлакачылар экин майдонларини кенгайтириш ва пахта ҳосилини оширишга катта эътибор берди. Натижада, маҳаллий ахоли орасида ҳам пахта олди-сөздиси билан шуғулланувчи савдогарлар чиқа бошлади. Назир бобомнинг отаси Тұрақул бобо шундайлардан эди.

Ўша кезлари рус тилидан бироз ҳабардор кишилар адолатсизликка дуч келәтган ватандошларига ариза ёзиб бериб, “амалий адлия ишлари” билан шуғулланарди. Тұрақул бобо ҳам узок-яқиндан келган юртдошларига ана шу ёрдамини аямасдан, уларни ҳожатини чиқарди. У киши рус тилини озми-кўпми билгани, маҳаллий ҳокимиятнинг феъл-атворидан вokiф бўлғани сабабли пахта етиштирувчи ахоли билан сотиб олувчи рус савдо идоралари ўртасида воситачилик-комиссионерлик қила бошлаган.

Бобом Назир Тұрақуловнинг отаси тўғрисида бизда маълумотлар жуда кам. Факат у кишининг отаси Тошкент вилоятида руҳоний оиласы түгилган. Жуда зиёли, ислом динидан ҳабардор бўлган отин ойи бўлған. Отаси Шимолий Қозоғистонда таваллуд топган бўлиб, ёшлиқ чоғларидаги Самарқанд орқали Кўкон шахрига келиб қолганлар. Пахта олди-сөздисида воситачиликдан ташқари, ижарага уй бериб, оила тебратардилар. Тұрақул бобонинг ўша пайтда икки ўғли - Назир ва Қодир бўлган.

Лекин бобом Назир Тұрақулов шахсий варакаларида ижтимоий келиб чиқишни дәхқон деб кўрсатганки, у кишини бу эътирофи шимолий қозоғистонлик ажаддодларимдан кўра, оналари тарафдан бўлган тошкентлик ота-боболаримга оид бўлган.

“Болалик пайтимда онам раҳбарлигига ўта диний тарбия олдим, - деб ёзди бобом Назир Тұрақулов ўз таржимаи ҳолида, - 12 яшар чоғимда онам кистови билан Эски Бухорога бориб, мусулмон оламида машхур Баҳовуддин Накшбанднинг сағанасини зиёрат қилдим, шайхлар томонидан бу авлийнинг муридлари қаторига киритилдим”.

Назир бобом 1900 йили Кўконда Салоҳиддин Мажидов очган жадид мактабига ўқишига кириб, уч йил сабоқ олади. Тұрақул бобо ўғилларини тижорат ва савдо ходими бўлиб улғайишини истаб, аввал Назир бобомни сўнгроқ Қодир бобомни саккиз йиллик Кўкон тижорат билиб юртига етаклаб боради. Икки ака-укалар маҳаллий рус савдогарлари ташаббуси Билан ташкил қилинган ўкув даргоҳида таълим ола бошлайдилар. Амма шу йиллари Кўконда рўй бераётган ҳоқимлар мазлум ватандошларига амалий ёрдам кўрсатиш истагида “Эркин

Истиқлолга ташна ўтган бобом

Сўнгти йилларда ўзлигимизни англаб, тарихимизни енг шимарид ўргана бошладик. Шу важдан суронли давр шамоли она ютидан чирпирак қилиб учирган, шўролар даврида сиёсий қатағон ва талотўплар гирдобига тушиб, бедарак кетган ватандошларимизни ва ота-боболаримиз тақдирини яхши билмаймиз. Ҳолбуки, масалан Ушбу макола қаҳрамони бўлмиш бобом - Назир Тұрақулов тўғрисида Саудия Арабистони подшоҳлигига, Россия ва Қозоғистон сингари мамлакатларда жилд-жилд китоб ва мақолалар нашр этилган, ҳужжатли фильмлар суратга олинган. Бунинг боиси шундаки... Келинг, яхшиси, боболарим тақдирни ҳакида онам раҳматли Саудаҳон Тұрақуловадан эшитганларимга, шунингдек тарихий фактларга асосланиб, ҳаммасини бир бошдан бошлай.

нинг тўнгич талабалари 1906 йили ахоли ўртасида маърифатпарварлик ғояларини тарқатиш максадида уюшма тузадилар. Назир бобом ҳам унга аъзо бўлиб киради. Бу уюшма кўп ўтмай жадид мактаблари муаллимлари намағонияти даражасида амалий ёрдам берга бошлайди.

Ўша даврлар ўта мураккаб эди. 1905-1907 йилги рус инқилоби шабадалари Кўконга ҳам етиб келган, Назир бобом таҳсил олаётган тижорат билим юртининг айрим муаллимлари инқилобий ғоялар билан “захарланган” эдилар. Улардан бири ҳатто билим юрти директорининг ижозати билан тўгарак ташкил этиб, талабаларга француз ва рус инқилобий ҳаракати тархидан сабоқ беради. Кўкондаги рус миллатига мансуб кишилар варакалар тарқатиб, митинглар ўтказиб, “эски дунё”ни бузиш истагини намойиш эта бошлайдилар. Шу тариқа Назир ва Қодир бобомларнинг ёшлиги, бир томондан, ўзбек жадидчилиги, иккинчи томондан, рус инқилобчилик ҳаракати куч ола бошлаган зиддияти ва мураккаб пайтга тўғри келди.

Назир ва Қодир Тұрақуловларнинг отаси Тұрақул бобо оқ-корани таниган, акл фаросатли киши эди. Фарзандларини икки ўт орасига тушиб, куйиб кабоб бўлмасликлари учун билим юртини тугатиши билан аввал – Назир бобомни 1913 йили Москвадаги тижорат институтига, сўнгроқ Қодир бобомни саноат академияси (хозирда Плеҳанов номидаги ўкув юрти)га юборади. Савдо аҳли нафақат пул топиш санъатини, балки турли тилларда сўзлашувчи ҳалқлар билан муомала қилишни ҳам билиши лозим. Шу ақидага мувоғик институтда тил ўрганишга алоҳида эътибор берилган. Ўзбек ва рус тилларни мукаммал билган Назир Тұрақулов талабалик йиллари устозларининг маслаҳати билан бошқа фанлар катори француз, немис ва бошқа тиллардан сабоқ олишга киришади.

Суронли асрнинг дастлабки гулдираклари Россия тасарруфида яшаётган ҳалқларни ларзага сола бошлаганди. 1916 йили окпошонинг мардикорликка олиш ҳақидаги фармони нафақат Ўрта Осиё ҳалқлари, балки бобом Назир Тұрақулов сингари Петербургда таълим олаётган мусулмон ўшларнинг ҳам ҳаёт тарзини ўзгаририб юборди. Назир бобомни институттинг учунчи курсини тугатар тугатмас, ватандошлари ҳолидан хабар олиб туриш, уларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш максадида Минск ва Барановский шахарларидаги фаолият кўрсатадиган ташкилотга аъзо бўлиб киради. Туркистанлик мазлум ватандошларига амалий ёрдам кўрсатиш истагида “Эркин

манфаатини ўйлаб иш юрита бошлади. Туркистан МИҚнинг 1920 йил 17 ноңябрь карорига кўра, болалар ва катталарнинг ўқишиши ишларига алоҳида эътибор берилди, мактаб ўкувчилари озиқ-овқат, ўкув қуроллари ва қўлланмалари билан таъминланадиган бўлди. 1921 йил 7 февралдаги карор асосида мусулмонлар учун муқаддас бўлган кун Жума дам олиш куни деб эълон қилинди. Шу йилнинг 29 априлида қабул қилинган қарор эса ёш болалар, айниқса, ота-онасиз қолган болалар соғлиғи ва ҳаётини саклаш масалаларига бағишиланган. Бундай ҳужжатлар билан танишган киши, Назир Тұрақуловнинг ҳалқпарвар ва иродали Инсон бўлганлигига ишонч хосил қилиши аниқ.

Афсуски, у кишига масъулиятли лавозимда узоқ ишлаш имконияти берилмади. 1922 йил октябрида

Москвага чакириб олиниб, СССР ҳалқлари Марказий Нашриётининг раиси этиб тайинланади. У киши бу вазифада ишлаш мобайнида собиқ Иттифоқ ҳалқлари, шу жумладан, туркӣ ҳалқлар адабиёти намуналарининг рус тилига таржима қилиниб нашр этилишига, “Учқун” сингари миллӣ тилдаги журнналларнинг юзага келишига алоҳида эътибор берди. Туркӣ ҳалқлар ёзувини лотин алифбосига ўтиш масаласи устида иш олиб борди ва янги турк алифбоси лойихасини муаллифи бўлди (1923-28). 1926 йил Бакуда бўлиб ўтган 1 чи Бутуниттифок туркӣ забонлар съездидаги шундаки ташкилини кўришни истаганди.

Октябрь тўнтаришидан кейин ватанига қайтган Назир бобом Кўкондаги Ишчи, солдат ва мусулмон депутатлари советининг котиби ва маориф комиссари лавозимларида хизмат қиласиди. 1918 йил охирида Кўкон миллӣ ишлар комиссари Аҳмад Девишевнинг масъул мухаррирлигига нашр килина бошлаган “Халқ газетаси”да таҳrir аъзоси сифатида фаоллик кўрсатди. Дастанлаб, 1918 йил марта Тўргайдага “Қозоқ мунғи” газетасини нашр этиб, сўнгра Кўкон шаҳар советининг “Халқ газетаси” (1918-1919)да ишлаб журналистика тажриба ортирган Назир бобом, “Иштрокион” (1919-1920), “Янги Шарқ” (1919-1921) газеталари, шунингдек, “Инқилоб” (1922) ва “Учқун” (1923, Москва) журналларига мухаррирлик қиласиди. Абдулла Қодирий, Фитрат, Элбек, Чўлпон сингари машхур шоир ва ёзувчиларнинг миллат-парварлик руҳидаги асарларини ушбу нашрларда илк бор чоп этилишида ёрдам қиласиди. У кишининг ўзи Дарвеш таҳаллуси билан “Иштрокион” газетасида ўз шеърларини чоп этган. У кишини шеърларини ўқиган киши, эҳтимол, унинг яқин келажакда давлат арбоби ва Туркистан ўлкасидан чиқкан биринчи дипломат бўлиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмагандир. Лекин суронли давр қалам аҳлини нафақат бир соҳадан иккинчи соҳага, балки бир юртдан иккинчи юртга ҳам олиб бориб ташлаган.

У киши бутун умри давомида ҳаёт денгизининг пўртраналари устида яшади. 1919 йил сентябрь ойида Назир Тұрақулов Туркистан Республикаси Марказий ижроия кўмитасининг (МИҚ) раиси этиб сайланади. Бу даврда Туркистан Мухторияти хукуматининг большевиклар томонидан конга ботирилишига жавобан қаршилик кўрсатиш (“босмачилик”) ҳаракати бошланған, дон маҳсулотларининг етишмаслиги оркасидан эса очлик ўроғи минглаб кишиларнинг бошини кесаётган эди. Шундай мушкул бир даврда у киши биринчи навбатда ҳалқ

укаси Қодир бобом ўша даврда Туркистан молия комиссари бўлмиш Ақбар Исломовнинг синглисига Комилахонга уйланади ва 1928 йил улардан бир қиз дунёга келади. Ўша или Назир бобо ота-онасини кўриш, укаси Қодирни кизлик бўлгани билан табриклаш учун Кўконга келади ва дунёга келган жиянига бахтли бўлиб юрсин деб - Саидхон исмини беради (у киши мени онам бўладилар). Бувим ва онам раҳматли булар ҳакида кўп сўзлар эдилар.

1928 йил Назир Тұрақуловнинг хайтида кутилмаган ўзгариш рўй беради – у киши дипломатлик хизматига ўтказилади. Шўро давлати раҳбарлари араб дунёси билан алоқаларни ўрнатмасдан, иктисолий, илмий ва маданий алоқаларга тамал тоши кўймасдан туриб, оламшумул вазифаларни бажара олмаслигини сезади. Ҳали Сауд Арабистони ягона давлат

Давоми 6-саҳифада

Боймизра Хайит

(Давоми, боши 1-сонда)

Туркистан чегаралари бўйлаб
ўрус ҳарбий чизиклари

1722 йилда I Петр: “Қирғиз (қозок) ларнинг ўрдалари бутун Осиё мамлакатларининг калити ва дарвозасидир. Шу боисдан бу ўрдалар ўрус ҳимояси остига олиниши керакки, улар воситасида бутун Осиё мамлакатлари билан алоқа ўрнатилсин ва Ўрусия учун фойдали ва мос тадбирлар амалга оширилсин” — деганди. Бу таълимотга мувофик ўрус раҳбарияти ҳар уч ўрда билан алоқа қилишга киришди. Мақсадини амалга ошириш учун 1552 йилдан бери ўруслар асоратига тушиб қолган туркий жамоалар билан (бошқирд ва татарлар билан) чегарадош бўлган Кичик Юз танланди.

1734 йили Кичик Юз доирасида ўрис хомийлиги амалга оширилди. Юзаки караганда, бу дашт давлатини ҳимоя қилиш учун Ўрусия бир мустаҳкам қалья барпо қилиш учун мос бир ер излар эди. Бу мақсадга Ўр дарёси мавзеси мос деб топилди. Қалъани қуришдан аввали тайёргарлик ишларини олиб бориш ва назорат қилиш учун 1734-37-йилларида Урал ва Ўр дарёларига Иван Кирилов бошчилигидаги ҳарбий разведка жўнатилган эди. Қалъя иншооти ҳакидаги топшириқда Ўр дарёсининг Талқала қишлоғида бир қалъя-шаҳар бунёд қилиш, Ўр дарёси атрофидаги табиий маъданларни тадқиқ қилиш ва Орол кўлида бир порт (бандаргоҳ) қурилиши билан аскарларни у ерга жойлаштириш акс этган эди. Кириловга ҳарбий топшириқдан ташқари яна бир “дипломатик сиёсий вазифа” ҳам юклатилганди. Бошка кўрсатмалардан ташқари бу топшириқда шундай дейилган эди: “Бошқирларга ва кирғизларга (қозокларга) ишонмангиз. Бу миллатлардан бири Ўрусияга қарши кўзғалган тақдирда, бошқасини унга қарши гиж гижлангиз; факат бунинг учун тарафлардан хеч бирига курол бермангиз. Ўрусияга кўшни бўлган барча давлатлар ҳакида маълумот тўплангиз. Жунғорларнинг ҳатти-ҳаракатларини кузатингиз. Хива хонлигига қарши курашда Кичик Юзга ёрдам беринг. Факат аскар бермангиз”.

18 май 1734 йили подшо Анна Ивановнинг разведка ҳайъатига берган топшириғига биноан қозоклар Урал дарёсидан кечиб ўтиши учун рухсат берилмаган. Абулхайрхонга Оренбургда бир уй куриб берилиб, ундан олдин эса сафарга чиқариш баҳонаси билан тутилиб, ўша уйда назорат остида сақланиши лозим эди. Қозок хонларининг садоқатига баъзан мукофотлар билан, баъзан таҳдид воситаси билан эришилар эди.25

Денгиз офицерлари (субай), картографлар, муҳандислар (жоъми 200 киши) иштирок этган бир разведка 15 июн 1734 йилда ўйлга чиқди ва 15 август 1734 йилда Ўр дарёсига етишди. Аскарлар қалъя қуришни бошлади. Татишчев кўмондонлигидаги аскарлар 1738 йил октябринда Оренбург қалъасига жойлашдилар. Урал дарёсида деворлар билан ўралган янги бир шахар — Оренбург иншооти тамомланганидан кейин, бу қалъанинг оти 1734 йили Орск (аввалига Талқала) деб ўзгартирилди. Кейинги даврларда Оренбург Туркистанни босиб олишда бир муҳим ҳаракат нуктаси сифатида

“Туркистан Русия билан Чин орасида”

aloҳида рол ўйнади.

Мустаҳкам Оренбург шахрини куриб бўлгач, Оренбург ҳарбий кисмини ташкиллаштириш бошланди. 1100 верст (1 верст—1, 067 км) узунликдаги чегара чизиги 1759 йилгacha хосил қилинди. Бу чизик тўғридан-тўғри Туркистан чегараларида бўлиб, 88 қалъани ўз ичига олар эди. Айни замонда Ишим дарёси бўйлаб ҳам иншоотлар қуриларди. (Ишим дарёсидан Иртишгача ундан Омскка қадар чўзилган чегара чизиги). Бу чизик, асосан, 1752-55 йилларда майдонга келтирилиб, 6000 верст узунликда эди. 1771 йили бу ерларда 9 дан ортиқ қалъалар бор эди. Бу чизик кейинроқ Иртишга қадар узайтирилди ва “Иртиш чизиги” номини олди. Бу чизик ҳам 1100 верст узунликда бўлиб, Иртиш дарёсидан Зайсан кўлига қадар бўлган ерларни ўз ичига олар эди. 1745 йилда Иртиш чизигида 45 қалъя мавжуд эди. XIX асрнинг дастлабки ярмида, сўнгти икки чизикнинг номлари бирлашиб, “Сибирия чизиги” отини олди.

Ўрусия Кўкон хонлиги истило-сини бошламасидан аввал Оренбург ва Сибирия чизигида 141 дан ортиқ қалъага эга эди. 1855 йилда Оренбург чизигида ҳаммаси Туркистанга карши қаратилган 10 суворий полки; 1867 йилда 12 суворий полки ва 9 та тўпчilar баталони, 6 та казаклар полки бор эди, Сибирия чизиги 1854 йили Или дарёсига қенгайтирилди. Мустаҳкам чегара чизиклари қуриш билан бирга Орол кўлининг ва Сирдарёнинг куйи оқими картографик ишларига жиддий аҳамият берилди ва бу ишлар 1855 йили тугалланди. Аслида Ўрусия 1850 йилга қадар Туркистаннинг шимолида (Оренбург атрофидан Или дарёсига қадар- гардан жанубий-шарққа қараб) ўз “хитой девори” ёрдамида, ҳар қандай восита билан Туркистанга қарши ҳарбий юриш учун ҳозирланганди. Факат Қrim уруши (1853—56) ва Ўрусиянинг бу урушдан мағлуб ҳолда чиқиши Туркистан юришига тўсик бўлди.

Кrim урушидан сўнг Ўрусия ташки сиёсатини ва ҳарбий сиёсатини тамоман ўзгартириди. Ўрусия раҳбарияти Буюк Британияга орқадан зарба беришга карор қилди, яъни унинг Ҳиндистондаги салоҳиятини сусайтиришга уринди. Ҳакиқатан, “Ўрусиянинг Кrim урушидаги мағлубияти, Ўрусиянинг ташки сиёсатидаги оғирлик марказини Болқон ва Яқин Шарқдан, асосан, Ўрта Осиёга қаратишига сабаб бўлди”. Шундай қилиб, Туркистан Ўрусиянинг халқаро сиёсати курбонига айланди. Туркистанни босиб олиш муаммоси асосий режага айланди. Кrim урушининг ўртасида ёк - 1853 йилда ўруслар Кўкон хонлигининг 0қ мачит қалъасини босиб олдилар. Бу муваффакият Ўрусияга бундан кейин кенг ўйсина Туркистан ичига юришини давом эттиришга жасорат берди. Кўкон хонлигига қарши урушининг ашаддий ташвиқотчиларидан бўлмиш Д.А.Милютиннинг ҳарбий нозир ва бошқа яна бир уруш тарафдори булган Игнатевнинг 30 ўрусташки ишларининг Осиё Бўйича нозирлиги бўлнимининг бошлиги бўлиши Ўрусиянинг Туркистанга қарши ҳарбий сиёсатини 1861

йили энг юқори нуктага кўтарди. Ялпи ҳужум бошлангунга қадар Ўрусия Туркистаннинг даштларида ҳокимиятни ўз кўлига олишга эришди.

Кичик Юзда рус ҳокимияти ўрнатилиши сабоқлари

Қозок туркларининг жунғорлардан енгилиб қочиши фожиаси бошқа бир фожианинг вужудга келишига сабаб бўлди. Кичик Юз қозоклари рус истило-чилик сиёсатининг ilk қурбони бўлди. Ўрус раҳбарияти қозокларга таъсирини кучайтириш ва уларнинг орасига кириб олиш учун бошқирларни кўллаб кувватлашни лозим кўрдилар. Кичик Юз хони Абулхайрга Урал дарёси ўнг кирғогидаги бошқирд қабила бошлиғи Алдарбой воситасида “қозоклар бошқирлар билан иттифоқда яшамок истасалар, Русиянинг ҳимоясига ўтиши лозим,”—деган талабни етказдилар. 1730 йил 8 сентябрда Абулхайрхон подшо Анна Ивановнага қўйидаги мазмунда хат битди: “Уралнинг нариги томонидаги бошқирлар билан якин муносабатимиз йўқ,. Ўрус вассали бўлган Алдарбой биздан бошқирлар билан тинч-тотув яшшимиз учун жаноби олийларимизга бир элчи юбориб, ҳимоянгизни сўрашимизни талаб килди”.

Абулхайрхоннинг элчилари Сеиткул, Кундакул ва Қутлумбет Кўштойлар 1730 йилнинг октябринда Московга келдилар. Ташки ишлар вазирлигига Абулхайрхоннинг юкоридаги илтимосини кўришди ва 30 сентябр 1730 йилда қозок(40000 юрт)нинг зодагонлари тобе бўлиш ҳакидаги истасларини билдири. Фуқароликни қабул қилишни истаганлар дарҳол фуқароликка қабул килиндилар. Сўнгра ташки ишлар нозирлиги подшо хонимга Абдулхайрнинг устунлигини ўтироф килган икки хоннинг (Бароқон ва Абдулмамбетхон) мавжудлигини ҳамда Тошкент (хукмдори — Абдулхайрхоннинг биродари Жўлбарс), тинч яшаши ҳакидаги ваъдаси Туркистан (хукмдори Семекехон) ва Сайрам (хукмдори Кучумхон) нинг қозокларга қарамлигини билдири. Ташки ишлар нозирлигини назаридан юкорида номи зикр этилганлар ҳам уларга тобе бўлишни истарди. Шунинг учун юкорида номи зикр этилган шахарлар ва даштни руслар Абулхайрхон ёрдамида осонликча мустамлакага айлантиրмоқ, фикрига келдилар. Бу ширин ҳаёлни амалга оширмоқ учун Ўрусияга 100 йилдан ортиқ вақт керак бўлди.

Ўrus ҳукумати Абулхайрхонни ўз ҳимоясига олишга қарор қилди. Подшо Анна Ивановна 19 февраль 1731 йилги бир қарори билан Абулхайрхонни ва унинг кузатувчиларини “ўрус фуқароси” деб ўзлон килди. Бу буйруқда хоннинг Ўрусияга садоқат билан хизмат қилиши, солиқ тўлаши ва Ўрусиянинг бошқа фуқароларига зарар етказмаслиги кабилар акс эттирилган эди. Подшо хоним эса қозокларга ташқаридан содир бўладиган ҳар қандай ҳужумга қарши ҳимоя воситаларини кўллаш ваъдасини берди.

Алоҳида ҳужжатда бошқирлар босиб олган қозок ерларини ўз эгаларига кайтариш... топшириклари берилди.

19 февраль 1731 йили подшо хоним асилзода бир бошқирд, яъни исмими ўзгартирмасдан аввал Мирзо Кутли Таваккал ўғли деб аталган, сўнг христианликни қабул қилгач, Александр Иванович Тевкелов дейилган зотни Кичик Юзга элчи сифатида тайинлади. Тевкелев га садоқат ҳакидаги қасамга Абулхайрхонни имзо чектириш вазифаси топширилганди. Қозокларнинг тили ва дилини жуда яхши билган бу шахс 1731 йил 3 октябрда Иргиз дарёси бўйидаги Мани Тубе воҳасида жойлашган хоннинг саройига келди. Бу ерда ўзининг христианлик исмими эмас, балки мусулмонлик давридаги оти билан Мирза Кутли Муҳаммад деб таништириди.

Тавкеловнинг шахсий ҳимояси учун бошқирлар 34 ва қозоклардан куролли кўриқчилар ажратилиган эди. Тевкелев 6 октябрь 1731 йилдан 24 ноябрь 1732 йилгача Абулхайрхон ва унга тобе булган Кичик Юз сultonлари билан музокаралар олиб борди. Бу музокаралар натижасида хон қарорининг кучга кириши учун сultonлар томонидан маъкулланиши шартлиги, хон эса, сultonлар билан келишмасдан, ўзича подшо хонимга мурожаат эта олиши имкониятлари борлиги билиниб қолади. Тевкелов бу тарзаги ҳаракатларнинг сабабини сўраганида, Абулхайрхон рус ҳимоясини қабул қилишда барча сultonларнинг розилиги ҳакидаги ган нотўри эканлигини, зоро, бундан сўнг ҳар ким ўзича мурожаат қўлган тақдирда, подшо унинг илтимосини ўтиборга олмаслигини назарда тутиб, шу ишга кўл урганлигини ўтироф этди.

1732 йил 10 октябрда содикликка қасам кенгаши ўюштирилиши муносабати барча сultonлар тўпланди. Бу курутойда 27 киши қатнашиб, аксарияти Русланияга бир ҳайъат юборилиши ва русларга: “Биз сиз билан сулҳда яшашни истаймиз, аммо фуқаронгиз бўлишни истамаймиз”, дейилиши тарафдори бўлишиди. Курутойда факат Абулхайрхон, Буленбай ботир ва Худойназарлар Ўрусияга садоқат қасамини қабул килдилар, бошқа хозир бўлганлар эса, Ўрусияга садоқат қасамини қатъий бир тарза рад этдилар. Тевкелов Ўрусиянинг ҳимоясини қабул қилишни қозоклар учун афзалликларини санаш билан бирга қатъий бир тарза шуни ҳам илова килди: “Ўrus императорлиги қозоклардан кўрмайди ва машхур киролларнинг сиз дашт қароқчилари билан сулҳ тузишининг ўзи имконисизdir. Агар қозоклар Ўрусиясининг фуқароси бўлмаса, Ўрусияга тобе бўлган қалмоклар, бошқирлар ва Сибириянинг шахар ҳалқи билан Ёйик казаклари томонидан мағлуб этилиб, киличдан ўтказиладилар”. Абулхайрхоннинг бу ҳатти-ҳаракати анъана-га хилоф эди. Чунки анъанага кўра, хон бу хилдаги қарорларни факат курутойнинг кўллаши билан қабул кила оларди.

(Давоми бор).

Пароканд МИРЗО

Халқ рост гапнинг қули. Халқка доим рост гапни айтиш керак.

Шавкатнинг хонадонига Қобилвойнинг ҳовлисидан водапровод қувури ўтган экан. Шавкат аёлманд киши – бешта боласи бор. Катталари уй-жойли, навбат кенжасига етди. Кенжаси ўғил – меросхўр. Меросхўр тагли-тугли хонадон қизига унаштирилди. Тўй қуни – болохона битган қуни бўладиган этиб белгиланди. Дарвозахонада болохона курилиши бошланди. Уста чақирилди, тўртта мардикор ёлланди. Кўчага бир машина гишт, бир машина қум, кирк коп цемент келтириб тўкилди. Ҳадемай девор кўтарили. Ҳомаки лойиха бўйича болохона деразаси кўчага қараган бўлиши керак эди.

–Майли, кўчага қаратиб дераза ўрнатамиш, лекин кўшни тарафга қаратиб ҳам кичикроқ дераза кўймасак уйингизга қўёш тушмайди, ундан доим зах-моғор хиди анқиб турдиган бўлади, - деди Уста.

–Қобилвой нима дер экан? – деб Шавкат чаккасини кашлади.

–Уй сизникими ёки Қобилвойники?

–Менини-ю, аммо...

– Мен устаман, бажарилган меҳнатимга караб ҳақ оламан. Ҳозир айтётган таклифим бўйича меҳнат ҳажми камаяди; демак, менга камроқ ҳақ тўлайсиз. Бироқ, болохона битганидан кейин баҳорга чикар-чиқмас мөгор

хидидан кўнглингиз айний бошлайди. Сўнг мени “уй қурмай қўлинг синсин!” деб қарғашга тушасиз.

–Ундан деманг, уста, мен нонкўр эмасман!

–Мен бўлсан, хўжайн, лўлининг эшагини сугориб пулини олиб кетадиган мардикор эмасман! Уста деган номим бор, қилган ишимнинг натижаси учун ҳам жавоб бераман. Агар таклифимга

роzi

қараган кичикроқ деразага жой ташлаб деворни кўтаради. Дераза ўрни кўзга кўринган қуни Қобилвой водапровод қувурини шартта кесиб, трубасини дервордан ошириб отиб юборади.

Тушдан кейин уста билан мардикорлар бекор ўтиради. Эртаси қуни Шавкат битта иккя юз литрлик бочка топиб ке-

ни турмада чиритиб юбориши – энг осон йўл. Бироқ, ўшандан кейин ҳам Шавкатнинг сув муаммоси ҳал бўлмайди: аламзода кўшни хотин икки дунёда ҳам водапровод қувурини қайта улашга кўнмайди. Эҳтимол, Қобилвойнинг бола-чақаларини ҳам қаматиб юбориб, уй-жойини мусодара қилиш лозимдир? Кимошди савдосига кўйилган ҳовлини инсофли одам сотиб олиб, Шавкатга сув берса-ку, дўппини осмонга отса ярашади.

“Сўфи, инсоф кил, сенга иймон керакмасму?” деган экан Фузулий.

500 йил мукаддам инсоф тиллоларга баробар бўлган бўлса, иймон ўзимизнинг сўм каби кадрсиз миллий валюта хисобланган кўринади.

Биз сабр-тоқат билан ўтиш даври қийинчиликларини енгил ўтишимиз шарт. Чунки болаларимиз биздан кўра доно, биздан кўра pragmatik ва албатта, биздан кўра баҳти бўлжак!

Марказий Осиёда вужудга келган сув муаммосини ҳалқимизга рўй-рост айтишимиз лозим. Керак бўлса, болохона курилиши муносабати билан сув муаммосига дуч келган Шавкатнинг шикоятномаси асосида сценарий ёзиб, кўп қисмли миллий сериал яратиш зарур. Миллий сериалда ўзимизга хос ва ўзимизга мос менталитетимиз ёрқин акс эттирилиши керак десам, кўпчилик фикринга кўшилса керак.

Халқ рост гапнинг қули. Халқка доим рост гапни айтиш керак.

Илиқ сўз

Ҳали Қозогистоннинг Сайрам туманидаги Қозоқ ўзбек университетига ишга ўтмаган пайтларим эди. Тасодифан киоскада сотилаётган “Жамият ва маърифат” газетасига кўзим тушди ва уни олиб ўқий бошладим. Газетада босилган мақолалар ўзининг эркин ёзилгани билан, шеврлар эса ниҳоятда кўплиги билан диққатимни тортди... Сўнг таҳририят билан ҳамкорлик қила бошладим. Сабаби: хонасига қадам ранжида қилишим билан бу газетанинг муасиси ва раҳбари Абдумалик Сармонов мени таҳририят билан ҳамкорлик қилишга ундали. Таҳририятга берган биринчи мақолам “Туркичиликнинг назарий ва амалий муаммолари” ҳеч қандай ўзгаришсиз чиққанини кўриб, бу ерда ҳақиқатан ҳам цензура йўқлигига ишондим. Чунки мақола: “Туркий зиёлilar учун жонини курбон қилиш мумкин бўлган бир муаммо бор: у ҳам бўлса, туркий бирлик йўлида кураш олиб боришидир”, деган гап билан бошланар ва кўшни республикаларда бу жумлалар албатта таҳрир этиларди.

Кейин ҳам баҳоли кудрат газетага материал бериб, айни замонда

Халқ рост гапнинг қули

бўлмасангиз, майли, бу ёғига роziман, эртага бошка уста топиб келинг, мен кетаман.

Шавкат аросатда қолди. Шомдан кейин ноилож Қобилвойнинг дарвозасини тақиллатди. Устанинг таклифи кўшнисига етказди, ундан маслаҳат сўради.

–Пўк ебди! – деди Қобилвой. – Уста ҳалқи пасткаш бўлади. Пасткаш устанинг гапига кирадиган одам ҳам пасткаш бўлади. – Қобилвой хайр-маъзурни ҳам насия қилиб тақ этказиб дарвозани ёпиб изига кайтади. Шип-шип этган қадам тувиши йўлақдан хийла пайт эшитилиб турди.

Шавкат бўшашибигина изига қайтади. Уста ўжар эди, битта гапидан қайтмайди – болохонадан кўшни тарафга

лади, сўнг ён кўшнисидан сув сўраб бочкани тўлдиради. Кечки пайт маҳалла оқсоколи бўлмиш Ҳаккул муаллим хонадонига бориб бўлган воқеани ётиғи билан тушунтиради.

–Мен бу ишга аралашмайман, - дейди Ҳаккул муаллим. – Итнинг феъли эгасига маълум дейдилар. Мен Қобилвойнинг феълини яхши биламан: шу пайтгача сизга сув бериб тургани учун ҳам раҳмат дент, оғайни! Аслида, у қишида қор сўраб борган одамга ҳам арчасини кўрсатиб: “Ўзимиз Қоробо ясамоқчимиз”, дейди.

Шавкат узр айтиб уйига қайтади. Сўнг шахсий кутубхонасига қамалиб олиб астойдил юрганбониши номига шикоятнома ёзишига киришади...

Хўш, Қобилвойга қарши қандай чора кўриш мумкин? Кечаси бориб томига бир елим ҳалта “кора дори”ни отиб юбориб, кўккис тинтуб ўтказиб, сўнг қолган умри-

“Жамият ва маърифат” сабоклари

бу ерда чиқаётган ҳар хил савиядаги мақола, шеър, ҳикоялар билан танишиб юрдим ва газета таҳририятига ўзимга ёқкан ва унчалик маъқул бўлмаган материаллари ҳакида оғзаки равишда фикрларимни айта бошладим... Маълум бўлишича кичик бир жамоа ҳар ҳафта каттагина материаллар сифадиган газетани чиқариб туришар ва обуначилар сони 7 минг атрофида экан. Ҳар ҳафта шунча материални топиб беришнинг ўзи осон эмаслигини, шу туфайли ҳам таҳририят аъзолари уларни элақдан ўтказишига баъзан улгармаётганини энди тушуниб етмоқдаман. Аммо кейинчалик “Жамият ва маърифат” таҳририяти ва унинг марҳум аъзоси Ирисали Жуманов шеърий асарларни таҳрир қилиб, пишишиб чиқараётганинг, яхши назмий асарлар учун “Соҳир мисралар” жорий этилганини кўриб, мамнун бўлдим...

Менга “Жамият ва маърифат”даги баҳсли мақолалар, интернетдан олиб босилган ижтимоий-сийёсий муаммолар кўтарилиган материаллар айникса, ёқарди.

Кунлардан бирида “Етти йил” ва бу кичкинагина мақолага қарши ёзилган “Қалқон бўлайлик” материали чиқди. Орадан бир оз ўтмай, Шухрат деган мардикорнинг: “Совуган ошга тилла қошиқ бўлманг...” номли мақоласи ҳам дунё юзини кўрди. Бу хил мақолалар ҳеч шубҳасиз бу Жанубий Қозогистондаги ўзбекларнинг сиёсий савиясини бир кадар юқори кўтаришига ишондим. Кейинчалик ҳам шу хил долзарб мавзудаги асарлар босилиб турди ва булар ҳакда таҳририят аъзоларига фикримни билдириб юрдим...

Бир гал таҳририятта борганимда Абдумалик Сармонов: “Бизга адабиёт ҳакида бир қанча давомли мақолалар ёзиб берсангиз ва уларни биз пешма пеш босиб борсан, яхши бўларди”, деган таклифи айтиди. Шундан сўнг “Адабиётдаги демократик ва аксили-демократик тамойиллар” мавzuида (ҳар бири камида бир ярим бетдан келадиган) 8 мақолам босилди... Бу мақолалар Жанубий Қозогистондаги шоир ва ёзувчилар ижодига қай дарражада таъсир этганини билмасамда,

уларнинг пешма пеш босилгани учун таҳририятдан миннатдор бўлдим...

Бугунги кунга келиб миллатларро муносабатларни мувофиқлаштириш йўналишида “Туркистон тонги” газетасини очиб иш бошладик. Тўғриси, “Жамият ва маърифат” билан ракобатчи эмаслигимизга, биз мутлақо бошка йўналишда материаллар берадиганимизга, бу газета бир хил номда бўлсада, икки тилда, ўзбек ва қозоқ тилларида алоҳида нашр эканлигига қарамасдан “Туркистон тонги”ни таҳририят аъзолари ракобатчи деб тушунмасмикан, деган хавотиримиз бор эди. Аммо гумонларимиз нотўғри бўлиб чиқди. “Жамият ва маърифат” раҳбарияти, хусусан Абдумалик Сармонов кичкинагина газетамизни хуш қаршилади. Газетамизнинг биринчи сони “Жамият ва маърифат” босмоҳонасида босилдики, биз бундан миннатдор бўлдик. Биз газета таҳририяти билан бундан кейин ҳам ҳамкорлик қилиши келишиб олдик.

Ботир Норбой.
“Туркистон тонги” газетаси
муҳаррир ўринбосари.

Ижтимоий-сиёсий,
илмий, адабий-
публицистик газета

Бош муҳаррир:
С.Байдуллаев.
Муҳаррир ўринбосари:
Б.Норбоев.
Дизайн:
Сарманов Абдигапир

Таҳририят манзили: Чимкент шаҳри, Интимок микрорайони, 1-уч. Тел.: 8(7252)292587.

Мулк эгаси: якка тадбиркор «С.Байдуллаев». Қозогистон Республикасининг Алоқа ва ахборот вазирилиги, Ахборот ва архив кўмитаси, даврий босма нашрларни ва (ёки) Ахборот агентликлари-ни рўйхатга олиш тўғрисидаги 12310 - Г сонли, 2 февраль 2012 йилда берилган гувоҳномага асосан босилмоқда.

Адади: 1000 дона. «M-prees» босмаҳонасида чоп этилди. Буюртма №4. Таралиш ҳудуди: Қозогистон Республикаси. Газета бир ойда бир марта нашр этилади.

1. Муаллифларнинг фикри газета таҳририяти аъзолари фикри билан айнан бўлмаслиги мумкин.

2. Барча муаллифлик хукуклари Қозогистон Республикаси конунлари билан ҳимояланган.

3. Газетанинг асосий мақсади миллатларро муносабатларни мувофиқлаштиришдир. «Туркистон тонги»да миллатларро дўстликка раҳна соладиган мақолаларга ўрин берилмайди.

4. Ўқувчиларимиз маънавияти бойлигини ҳисобга олиб, сахифалардан ножо жойларда фойдаланмаслигига умид қиласиз.

5. Газетадан олинган мақолалар ёки иқтибослар «Туркистон тонги»дан олинганлиги кўрсатилиши лозим.

**ТУРКИСТОН
ТОНГИ** 